

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ
ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

[REDACTED] йил август ойининг [REDACTED] куни, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз биносида, очик суд мажлисида,
раислик қилувчи судья: [REDACTED],
ҳайъат судьялари: [REDACTED] иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] котиблигида, Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], [REDACTED] нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи адвокат [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] оид жиноят ишини ўзи томонидан апелляция тартибида келтирган шикоят асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] [REDACTED]
ҳукмига кўра,

[REDACTED] куни Сирдарё вилоятида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, ишламаган, оилали, бир нафар фарзанди бор, муқаддам:

1) Сирдарё вилояти Мехнатобод туман судининг 30.09.1997 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “в,г” бандлари билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 72-моддасига асосан жазо шартли ҳисобланиб, 3 йил синов муддати белгиланган;

2) Бекобод туман судининг 18.03.1999 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а,б” бандлари билан 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жазодан 21.10.2001 йилдаги амнистия актига асосан озод этилган;

3) жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти Боғишамол туман судининг 26.04.2002 йилдаги ҳукмига кўра, ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми “а” банди, 127-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти Конимех туман судининг 02.10.2006 йилдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган;

4) Жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 19.09.2007 йилда ҳукмига кўра, ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “а” банди, 273-моддаси 5-қисми билан ЖКнинг 59,60,61-



моддалари тартибида 11 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 18.12.2007 йилдаги ажримига кўра ўта хавфли рецидивист деб топилган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят суди Раёсатининг 02.06.2009 йилдаги қарорига кўра, жиноят ишлари бўйича Бекобод шаҳар судининг 19.09.2007 йилдаги ҳукми ва жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди апелляция инстанциясининг 18.12.2007 йилдаги ажрими ўзгартирилиб, 11 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жазодан 12.04.2018 йилда жазо муддати тугаши билан озод этилган,

30.04.2021 йилдан қамоқда сақланаётган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг билан 11 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, ўта хавфли рецидивист ҳамда илгари гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс бўла туриб, 2021 йил 29 апрель куни соат 15.30 ларда ўзининг таниши дастлабки тергов даврида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган исмли номаълум шахс билан кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотиш ҳақида ўзаро жиной тил бириктирган. Жинойат режага асосан, номаълум исмли шахс 348,51 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини етказиб бериши, ўз навбатида кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 5.000.000 сўм эвазига Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Катта қаъни” тўйхонаси яқинидаги кўчаларни биридаги дарахт тагига олиб келиб, яшириб қўйиши лозим бўлган. Мазкур жиноятни амалга ошириш мақсадида, 2021 йил 29 апрель куни соат 15.30 ларда номаълум исмли шахсга “Chocolate” ёзувли, сариқ қора рангли полиэтилен пакетга солинган кўп миқдордаги 348,51 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини етказиб берган. номаълум исмли шахсдан мазкур кўп миқдордаги “гашиш” гиёҳванд воситасини қонунга хилоф равишда олиб, нинг бошқарувидаги русумли, давлат рақами бўлган автомашинасида шу куни соат 18.55 ларда кўп миқдордаги 348,51 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини Учтепа туманидаги “Катта қаъни” тўйхонаси яқинига олиб келган вақтида Тошкент вилояти ИИББ ва ДХХ ходимлари томонидан ўтказилаётган тезкор тадбир давомида ушланиб, нинг қўлида бўлган “Chocolate” ёзувли, сариқ қора рангли полиэтилен пакетга солинган 348,51 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситаси ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштирилиб олинганлиги натижасида исмли номаълум шахс ўзининг кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини қонунга хилоф равишда сотиш билан боғлиқ жинойат ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказа олмаган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг сонли хулосасига кўра, олинган модда (нам), ширали тўртбурчак



шаклдаги икки дона бир-бирига ёпишиб кетган кўринишдаги прессланган ҳолда модда таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган модда гашиш деб аталиши, гашишнинг оғирлиги 2021 йил 30 апрель кунда 348,51 граммни ташкил қилишлиги аниқланган.

███ шикоятда, айблига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлигини, жиноятни содир қилишга мажбул бўлганини, унинг оилавий шартини инобатга олиб энгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья ███нинг маърузасини, Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори ███ суд қарорларини ўзгаришсиз қолдириш, адвокат ███ шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, жиноят иши материалларини таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятни қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

Суд жиноят иши тафсилотларини тўлиқ ўрганиб, далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, тўпланган ишончли далиллар йиғиндисига кўра, ███ айби тасдиқлангани ҳақида асосли хулосага келган ҳолда унинг ҳаракатини ЖКнинг ███ билан тўғри квалификация қилган.

Суд ███ нисбатан жазо тайинлашда унинг шахсини, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли Қарори раҳбарий тушунтиришларига риоя қилиб, модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинлаш ҳақида тўғри хулосага келгани, суд қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари аниқланмагани сабабли суд қарорини ўзгаришсиз қолдириб, шикоятни қаноатлантиришни рад этиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹³, 497²⁵, 497²⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати,

а ж р и м қ и л д и:

███ нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича ███ ҳукми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоятни қаноатлантириш рад этилсин.

Раислик қилувчи: (имзо) ███

ҳайъат судьялари: (имзо) ███

(имзо) ███

Нусхаси аслига тўғри
Судья ███

